

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**267 Спорт турлари бўйича терма жамоалар тўғрисидаги
низомни ҳамда Спорт ва оммавий жисмоний тарбия
тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида» 2009 йил 5 январдаги ПҚ–1029-сон қарорини бажариш юзасидан, спорт турлари бўйича терма жамоаларни ташкил этиш ва спорт тадбирларини ўтказиш режасини шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Спорт турлари бўйича терма жамоалар тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 14 июнь,
173-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 14 июндаги 173-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Спорт турлари бўйича терма жамоалар тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ спорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш ва улар фаолиятининг асосий тамойилларини белгилайди.

2. Ушбу Низом ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига амалга оширувчи жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

жисмоний тарбия ва спорт ташкилоти — ташкилий ва ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, фаолиятнинг асосий тури сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

спорт мусобақаси — мусобақа ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган мусобақанинг энг яхши қатнашчисини аниқлаш мақсадида спортнинг ҳар хил турлари (спорт турлари) бўйича спортчилар ёки спортчилар жамоалари ўртасидаги мусобақа;

спорт тадбирлари — спорт мусобақалари, ўқув-тренировка йиғинлари, спорт курслари, семинарлари, конференциялари ва спорт мусобақаларига тайёрланиш бўйича спортчилар иштирокидаги бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари — аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб ва ташвиқ қилишга йўналтирилган тадбирлар;

спорт тури — спорт мусобақаларини ўтказиш ҳамда уларда қатнашиш талаблари, тартиби ва шартлари белгиланадиган ўз Қоидаларига эга бўлган, кишини спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёрлаш билан характерланадиган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури;

ўқув-тренировка йиғинлари — спорт йўналишига, педагогик ва тарбиявий характерга эга бўлган, спортчиларни спорт мусобақаларида ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларида қатнашишга тайёрлаш, шунингдек тадбирлардан кейин ҳолатини тиклаш мақсадида спортчиларнинг спорт маҳоратини оширишга оид уюштирилган тадбирлар;

спортчи — спортнинг танланган тури билан мунтазам шуғулланадиган, ўз спорт маҳоратини доимий равишда ошириб борадиган ва спортнинг танланган тури бўйича спорт мусобақаларида ҳамда ўқув-спорт тренировка йиғинларида мунтазам қатнашадиган жисмоний шахс;

тренер — тегишли ўрта махсус ёки олий таълим маълумотига эга бўлган, ўқув-тренировка ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказувчи, шунингдек спорт натижаларига эришиш учун мусобақа фаолиятига раҳбарлик қилувчи жисмоний шахс;

спорт турлари бўйича терма жамоалар — спортчилар, тренерлар, олимлар, тиббиёт мутахассислари ва бошқа мутахассислардан иборат бўлган, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларига ҳамда уларда қатнашишга тайёрланиш мақсадида ташкил этиладиган турли ташкилотлар жамоалари;

спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг тренерлар кенгаши — спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг бош (катта) тренерлари ва тренерларидан, бошқа етакчи ва нуфузли тренерлардан, спорт турлари бўйича врачлар, комплекс илмий гуруҳлар раҳбарларидан ҳамда спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг бошқа мутахассисларидан иборат бўлган, спорт турлари бўйича республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бош-

қалар)да ёки улар бўлмаганда — республика олий спорт маҳорати мактаб-ларида ташкил этиладиган, спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг спорт, педагогик ва тарбиявий фаолиятини тартибга солувчи жамоа.

II. Спорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантиришнинг мақсади, вазифалари ва тартиби

4. Қуйидагилар спорт турлари бўйича терма жамоаларни ва спорт турлари бўйича уларнинг захирасини шакллантиришнинг асосий мақсадлари ва вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси нуфузини мустаҳкамлаш учун республика ва халқаро спорт ареналарида юқори ўринларни эгаллаш;

спорт турлари бўйича спорт мусобақалари якунларига кўра юқори спорт натижаларига эришган спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассислардан терма жамоаларни ва уларнинг захирасини шакллантириш;

юқори малакали спортчиларни тайёрлаш ҳамда спорт турлари бўйича ҳудудий ва республика спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашишга, Олимпиада ва Осиё ўйинларида, Жаҳон ва Осиё чемпионатларида, кубокларида, шунингдек бошқа халқаро спорт мусобақаларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган терма жамоаларни ҳамда уларнинг захирасини шакллантириш;

спортчиларни тайёрлашнинг илғор методларини ўқув-тренировка жараёнига жорий этиш;

спортчиларнинг жисмоний, техник-тактик, психологик тайёрлигини тақомиллаштириш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш;

жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

5. Спорт турлари бўйича спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича миллий терма жамоалар республикада спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг олий мақомига эгадирлар.

6. Спорт турлари бўйича спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари ҳудудий терма жамоаларнинг олий мақомига эгадирлар.

7. Спорт турлари бўйича терма жамоаларни ва уларнинг захирасини шакллантиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланган тартибда спорт турлари реестрига киритилган спорт турлари бўйича йўл қўйилади.

8. Спорт турлари бўйича терма жамоалар:

спорт турлари бўйича спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича Миллий терма жамоалар — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан, спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабининг (улар мавжуд бўлса) келишилган тақдимномаси бўйича;

спорт турлари бўйича спортчиларнинг барча ёш тоифалари ва жинсий мансублиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан, спорт турлари бўйича тегишли ҳудудий федерациялар (уюшмалар, марказлар ва бошқалар)нинг (улар мавжуд бўлса) тақдимномаси бўйича;

спорт турлари бўйича жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг терма жамоалари — тегишли жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари маъмурияти томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

Спорт турлари бўйича Миллий терма жамоалар ҳамда спортнинг техник ва амалий турлари бўйича уларнинг захиралари Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан тасдиқланади, ҳудудий терма жамоалар Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тасдиқланади.

9. Спорт турлари бўйича терма жамоалар (асосий таркиб ва захира (стажёрлар)) таркибига қуйидагилар киради:

спортчилар;

тренерлар (бош тренерлар, катта тренерлар, тренерлар);

хизмат кўрсатувчи ходимлар — врачлар, массажистлар, психологлар, операторлар, техниклар, механиклар, хореографлар, аккомпаниаторлар, кутқарувчилар ва спортчиларни тайёрлаш учун зарур бўлган бошқа мутахассислар;

маъмурий ходимлар — раҳбарлар, менежерлар, спорт (техника) директорлари, администраторлар.

10. Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркиблари катталар, ёшлар (болалар), ўсмирлар ёш тоифаларидаги спортчилардан, шунингдек спорт ветеранларидан иборат бўлади. Ёш цензи спорт турлари хусусиятларига мувофиқ, спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) томонидан, халқаро спорт ташкилотларининг тасдиқланган норма ва қоидаларига мувофиқ белгиланади.

11. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, ички ишлар органларининг ҳарбий хизматчилари ҳамда ўз командирлари қарорига мувофиқ спорт турлари бўйича терма жамоаларга командировкага юборилган бошқа спортчилар муддати тугагунга қадар ҳақиқий ҳарбий хизматда қолишда давом этадилар.

12. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг таркиблари ўтган спорт мавсумида расмий республика ёки халқаро спорт мусобақаларидаги иштироки яқунларига кўра, спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг ҳамда Республика олий спорт маҳорати мактабининг (улар мавжуд бўлса) ҳузурида ташкил этилган тренерлар кенгашларида уларни муҳокама қилган ҳолда шакллантирилади.

13. Спортчиларни спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига киритиш учун мезонлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланади.

14. Спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар тренерлари республика олий спорт маҳорати мактаблари (улар мавжуд бўлса) ҳамда спорт турлари бўйича республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) томонидан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

Спорт турлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар терма жамоаларининг тренерлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари томонидан, спорт турлари бўйича тегишли ҳудудий федерациялар (уюшмалар, марказлар ва бошқалар)нинг (улар мавжуд бўлса) ва/ёки жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг тақдимномасига кўра тайинланади.

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларининг спорт турлари бўйича терма жамоалари тренерлари тегишли жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари маъмурияти томонидан тайинланади.

Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича миллий терма жамоалар тренерлари Ўзбекистон муҳофафасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан тайинланади, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ҳудудий терма жамоалар тренерлари Ўзбекистон муҳофафасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тайинланади.

15. Спорт турлари бўйича терма жамоалар тренерлари учун малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланади.

16. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимларини тайинлаш, шунингдек уларни эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиш спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) томонидан амалга оширилади.

17. Ёш тоифалари, жинсий мансублиги бўйича асосий таркибдан ва захирадан (стажёрлардан) шакллантириладиган спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзолари — спортчилар, тренерлар, маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимлар рўйхат бўйича таркибининг шакли ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

18. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг таркиблари буйруқ билан 1 йил муддатга тасдиқланади ва жорий йилнинг 1 январидан 31 декабригача амал қилади. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг тасдиқланган таркибини қуйидагилар муносабати билан қайта кўриб чиқишга йўл қўйилади:

- ўтган спорт мусобақаларининг натижалари;
- спортчилар натижалари даражасининг жиддий пасайиши;
- спортчилар олган жароҳатлар, улар чалинган касалликлар ва бошқалар;

спортчилар яшаш жойининг ўзгариши;
 спортчиларнинг терма жамоалар таркибидан ихтиёрий чиқиши;
 спортчиларнинг спорт мусобақаларида қатнашишни тўхтатиши;
 маънавий-ахлоқий ва бошқа нормаларнинг бузилиши;
 антидопинг қоидаларининг бузилиши.

19. Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига киритиладиган спортчиларнинг чекланган сони ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ Жаҳон ва Осиё чемпионатларидаги энг кўп сонли спортчилар таркиблари бўйича аниқланади.

20. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг рўйхат бўйича таркибидан спортчиларни тайёрлаган тренер(лар)га доир маълумотлар албатта кўрсатилади.

21. Қуйидаги талаблардан биттасига жавоб бермайдиган спортчиларни спорт турлари бўйича терма жамоаларга киритишга йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаса (спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар учун);

спорт турлари бўйича тегишли республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) ҳамда жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ҳисобида турмаса;

спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибидаги кичик ёш тоифасидагилардан катта бўлса;

спорт билан шуғулланиш учун тиббий рухсатномага ва тегишли спорт ҳужжатига (спортчининг малака синов дафтарчасига, спорт гувоҳномасига) эга бўлмаса.

III. Спорт турлари бўйича терма жамоалар учун шарт-шароитларни ташкил этиш

22. Спорт турлари бўйича терма жамоалар ва уларнинг захираси аъзолари (ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўқув-тренировка йиғинлари ҳамда спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибида республика ва халқаро спорт мусобақаларида қатнашиш даврида турар жой, озиқ-овқат, кийим-бош ва спорт формаси билан таъминланиш;

давлат, минтақавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш;

фундаментал, тажриба-конструкторлик, технологик ҳамда бошқа илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялар ва таълим муассасаларининг илмий, тиббий-биологик ва техник ютуқларидан фойдаланиш;

касалланган ва спорт жароҳатлари олинган барча ҳолатларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатли органнинг йўлланмаси бўйича тиббий хизмат кўрсатишдан, шунингдек спорт тиббиёт муассасаларида, врачлик-жисмоний тарбия диспансерларида даволанишдан фойдаланиш.

23. Спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзолари қуйидагиларга мажбур:

турли спорт мусобақаларида, шу жумладан Олимпиада ва Осиё ўйинларида, Жаҳон ва Осиё чемпионатларида, кубокларида, шунингдек бошқа халқаро спорт мусобақаларида спорт турлари бўйича мамлакат, ҳудуд терма жамоалари таркибида муносиб қатнашган ҳолда республика ҳамда халқаро спорт аренасидаги мусобақаларда қатнашиш, ўз ютуқлари билан Ўзбекистон Республикасининг спорт шарафини мустаҳкамлаш;

спорт тадбирларида қатнашган ҳолда ўз спорт маҳоратини ошириш, юксак фуқаролик, маънавий-иродавий ва ахлоқий сифатларини намоён қилиш, гигиена асосларини ўрганиш, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда олимпиада ҳаракати соҳасида билимларни эгаллаш;

тайёргарлик, тренировка ва мусобақа топшириқларининг индивидуал режаларини бажариш;

ўз шахсий намунаси билан спорт турлари бўйича терма жамоада ўртоқлик, соғлом рақобатлашиш, спорт турлари бўйича терма жамоанинг маъмуриятига ва хизмат кўрсатувчи ходимларига, ҳакамларга, томошабинларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳини қарор топтиришга интилиш;

ўқув-тренировка жараёни ва спорт мусобақалари давомида спорт турлари бўйича терма жамоа маъмуриятининг кўрсатмаларини, тренерлар таркиби, врач, илмий гуруҳ раҳбарлари ҳамда ходимларининг талаблари ва тавсияларини бажариш;

спорт мусобақасининг софлиги учун курашиш, спорт режимини бузмаслик, зўравонлик, миллатлараро ва диний тоқатсизликнинг турли шакллари тарғиб ва ташвиқ қилмаслик, шунингдек допинг, психотроп ва бошқа тақиқланган препаратларни ҳамда Жаҳон допингга қарши агентлик ва спорт турлари бўйича халқаро спорт ташкилотлари томонидан тақиқланган воситаларни қўлламамаслик;

спорт режимига, интизомига ва жамоат тартибига риоя қилиш;

спорт формаси, анжомлари, ускуналари ҳамда спорт иншоотларига ва шу кабиларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш.

24. Спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар асосий таркибининг спортчилари ва тегишли республика спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) ўртасида контрактлар тузилиши мумкин.

Контрактларда уларга махсус иловалар тарзида (илованинг мавжудлиги контракт матнида акс эттирилган бўлиши керак) қуйидаги шартлар (республика федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқаларнинг ўз маблағлари ҳисобига) назарда тутилиши мумкин:

турли даражадаги халқаро спорт мусобақаларига мақсадли тайёрланиш ва юқори спорт натижаларига эришиш учун шартномавий молия маблағларини белгилаш ва тўлаш;

моддий, мулкӣ ва маънавий зарарни тўлаш;

спортда жароҳатланишлар ёки касбий касалланишлар натижасидаги меҳнатга лаёқатсизликни қоплаш ва бошқа қоплов турлари;

мукофотлар, нафақалар ва бошқа рағбатлантириш турлари;
натижаларни ҳисоблаб ёзиш ва спортчи бошқа жамоага ўтган тақдир-
даги бошқа шартлар;

аниқ спорт талабларини бажариш.

25. Допингга қарши қоидалар спортчи томонидан бузилган тақдирда контракт бекор қилинади.

26. Спорт турлари бўйича терма жамоаларни, шу жумладан уларни спорт мусобақаларига ва/ёки спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларига тайёрлашни ва уларнинг мазкур тадбирларда иштирок этишини таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, бюджет маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади ва бунда қуйидагилар билан боғлиқ харажатлар назарда тутилади:

спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг ресурсларини ўқув-тренировка йиғинларида, спорт мусобақаларида ва/ёки оммавий спорт тадбирларида қатнашишда энергия сарфларини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш;

фармокологик ва тиклаш воситалари, витаминлар ва оксил-глюкоза препаратлари, умумий даволаниш мақсадидаги дори-дармонлар ва боғлов-ўров материаллари олиш;

спорт иншоотлари, ускуналар, анжомлар ва техника воситалари, авто-транспорт, отлар учун отхоналар, спорт кийимлари, анжомлари ва ускуналарини сақлаш учун хоналарни ижарага олиш;

спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг ўқув-тренировка йиғинлари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш;

спорт мусобақаларига, оммавий спорт ва бошқа спорт тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларда қатнашиш жараёнида спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзолари учун йўл ҳақи, турар жой учун ва суткалик тўловлар тўлаш;

пухта ва ихтисослаштирилган комплекс тиббий кўрикдан ўтказиш;

спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларининг ҳолатини (физиотерапевтик, психологик ва шу кабилар бўйича) тиклаш тадбирларини ўтказиш;

спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларини спорт формалари, махсус спорт кийимлари, анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш;

ўқув-методик ва тиббий-педагогик кўрикдан ва назоратдан ўтказишни таъминлаш;

спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчиларини, аъзоларини самарали тайёрлаш мақсадида илмий тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказиш;

аккредитация, визалар олиш учун, ўқув-тренировка йиғинларида, спорт мусобақаларида, оммавий спорт ва бошқа спорт тадбирларида спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларининг қатнашиши учун бадаллар тўлаш;

допинг назорати ўтказиш;
 аэропортлар, темир йўллар, автомобиль вокзаллари ва сув портлари йиғимларини тўлаш;
 спорт анжомлари ва ускуналарини ташиш;
 замонавий талабларга жавоб берадиган зарур спорт, техник ва электрон ускуналар, анжомлар ва бошқа воситаларни сотиб олиш;
 спорт турлари бўйича терма жамоалар мутахассисларининг касбий ма-
 лакасини ошириш (конференциялар, курслар, семинарлар ва шу кабиларда қатнашиш) ҳамда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш;
 спорт турлари бўйича терма жамоаларни тегишли илмий-методик ада-
 биётлар билан таъминлаш, спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларининг телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда чиқишларини ташкил қилиш, спорт турлари бўйича терма жамоалар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш, спорт турлари бўйича терма жамоалар тўғрисидаги турли плакатлар, буклетлар, тақвимлар ва шу кабиларни чиқариш;
 ёқилғи-мойлаш материаллари, йилқилар учун ем-хашаклар ва бошқа зарур материаллар билан таъминлаш;
 спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларининг маданий-маърифий, ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияси даражасини, шунингдек махсус ҳамда умумтаълим билимларини ошириш;
 суғурталаш.

IV. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларида қатнашиши

27. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг ҳам республика ҳудудида, ҳам чет эллардаги оммавий спорт тадбирларида қатнашиши белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Спорт турлари бўйича терма жамоалар иштирокидаги спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш спорт турлари бўйича терма жамоаларни тайёрлашнинг белгиланган тартибда тасдиқланган календарь режасига, спорт турлари бўйича терма жамоаларни тайёрлаш режаларига, шу жумладан спортчиларни тайёрлашнинг индивидуал режаларига, шунингдек спорт мусобақасини ўтказишнинг тасдиқланган низомлари (регламентлари)га мувофиқ амалга оширилади.

29. Спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзолари мансуб бўлган ташкилотлар ҳамда спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларининг ўзлари оммавий спорт тадбирларига чақириш тўғрисида ва режалаштирилаётган бориш йўналиши тўғрисида тадбирлар ўтказиладиган санадан камида 15 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиниши керак.

30. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг спортчилари, тренерлари, спорт тадбирининг (ҳар бири бўйича алоҳида) маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг номма-ном таркиби спорт турлари бўйича терма жа-

моаларнинг тасдиқланган рўйхатига мувофиқ спортчилар ва тренерлар, маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан шакллантирилади.

31. Спорт турлари бўйича терма жамоалар спортчилари, аъзолари учун уларни тайёрлашнинг тасдиқланган индивидуал режаларига мувофиқ индивидуал ўқув-тренировка йиғинларини белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказишга йўл қўйилади.

V. Спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларининг натижаларини ҳисобга олиш ва уларни рағбатлантириш

32. Спортчиларнинг — спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларининг ҳудудий ҳамда республика спорт мусобақаларидаги ва/ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларидаги иштироки натижалари (ғалаба, совринли ўринни эгаллаш, рекорд ўрнатиш ва шу кабилар) бўйича ҳисобланган очколар мажбурий тартибда:

улар мансуб бўлган ташкилотлар;

юқори спорт натижаларини кўрсатган вақтда улар рўйхатдан ўтказилган республика ҳудуди ҳисобига ёзилади.

33. Спортчиларнинг — спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзоларининг ҳудудий спорт мусобақаларидаги ва/ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларидаги иштироки натижалари (ғалаба, совринли ўринни эгаллаш, рекорд ўрнатиш ва шу кабилар) бўйича ҳисобланган очколар халқаро спорт ташкилотларининг яқунларига кўра ҳисобланади.

34. Параллел ҳисобланадиган очколарни бериш:

бошқа жисмоний тарбия ташкилотига ўтган спортчи учун, янги ва илгариги спорт ташкилотига параллел равишда ҳисобга олинган ҳолда; республиканинг бошқа ҳудудидаги таълим муассасаларида ўқиш даври учун;

ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ даври учун амалга оширилади.

35. Спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг Олимпиада ва Осиё ўйинларида, Жаҳон ва Осиё чемпионатларида, кубокларида, шунингдек бошқа халқаро спорт мусобақаларида эришган юқори спорт ютуқлари учун спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзолари белгиланган тартибда:

давлат мукофотлари;

спорт унвонлари, нишонлар, дипломлар, ёрликлар, кубоклар, медаллар, вимпеллар;

моддий, мулкӣ ва бошқа буюмлар;

турли қимматбаҳо совғалар;

рағбатлантиришнинг бошқа шакллари билан мукофотланишлари мумкин.

VI. Яқунловчи қоидалар

36. Ушбу Низомнинг талабларига риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

37. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

38. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ва спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибини шакллантиришининг ва унга спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассисларни киритишнинг тўғрилиги юзасидан жавоб берадилар.

Спорт турлари бўйича терма жамоалар
 тўғрисидаги низомга
 1-ИЛОВА
 (шакл)

267-модда

**Ёш тоифалари, жинсий мансублиги бўйича асосий таркибдан ва захирадан
 (стажёрлардан) шакллантириладиган спорт турлари бўйича терма жамоалар аъзолари —
 спортчилар, тренерлар, маъмурий ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг рўйхат бўйича
 ТАРКИБИ**

_____ даги
 (ташкilotнинг номи)

_____ даги
 (йил) (кун) (ой)
 _____-сон буйруғига
 _____-ИЛОВА

_____ терма жамоасининг

(миллий, вилоят, шаҳар, спорт клуби, мактаб ва бошқалар)

_____ бўйича 20__ йил учун

(ёши, жинси бўйича)

(спорт тури)

РЎЙХАТИ

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили, паспорти маълумотлари	Спорт унвони (разряди)	Жисмоний тарбия-спорт ташкilotи	Манзили (вилоят, шаҳар, туман)	Иш, ўқиш жойи	Натижаси	Тренернинг Ф.И.О.
I. СПОРТЧИЛАР								
а) Асосий таркиб								
1.								
2.								
3.								
...								

— 68 —

23-24 (523-524) -сон

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили, паспорти маълумотлари	Спорт унвони (разряди)	Жисмоний тарбия-спорт ташкилоти	Манзили (вилоят, шаҳар, туман)	Иш, ўқиш жойи	Натижаси	Тренернинг Ф.И.О.
б) Стажёрлар (захира)								
1.								
2.								
3.								
...								
II. МАЪМУРИЙ, ТРЕНЕРЛАР ВА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРҚИБИ								
Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили, паспорти маълумотлари	Манзили (вилоят, шаҳар, туман)			Терма жамоадаги лавозими	Қўшимчалар	
1.								
2.								
3.								
...								

- Изоҳлар: 1. Спорт турларининг хусусиятига мувофиқ «Натижаси» устунда — спорт мусобақаларининг босқичи, эгаллаган ўрни, охириги ярим йилда ўрнатган рекорди ва шу кабилар кўрсатилади.
 2. «Тренернинг Ф.И.О.» устунда спортчини тайёрлаган тренерларнинг (2 нафардан кўп эмас) Ф.И.О. ёзилади.

Жисмоний тарбия-спорт ташкилотининг

(улар мавжуд бўлса) раҳбари

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Спорт федерацияси (уюшмаси,

маркази ва бошқалар)нинг

(улар мавжуд бўлса) раҳбари

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Бош (катта) тренер

_____ (имзо) _____ (Ф.И.О.)

Спорт турлари бўйича терма жамоалар
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Спорт турлари бўйича терма жамоалар таркибига
кiritиладиган спортчиларнинг Жаҳон ва Осиё
чемпионатларидаги энг кўп сонли спортчилар таркибига
кўра белгиланадиган чекланган сони**

1. Эркаклар, аёллар:

а) асосий таркиб:

спортнинг жамоавий ўйин турлари (спорт турлари) — 1,5 та таркиб;

теннис, стол тенниси, бадминтон, спорт якка кураши (шу жумладан оғир атлетика) — 2 та таркиб;

спортнинг бошқа турлари — 2 та таркиб;

б) стажёрлар таркиби (захира):

спортнинг жамоавий ўйин турлари (спорт турлари) — 1 та таркиб;

теннис, стол тенниси, бадминтон, спорт якка кураши (шу жумладан оғир атлетика) — 2 та таркиб;

спортнинг бошқа турлари — 1 та таркиб.

2. Болалар, ўсмирлар, қизлар:

а) асосий таркиб:

спортнинг жамоавий ўйин турлари (спорт турлари) — 2 та таркиб;

теннис, стол тенниси, бадминтон, спорт якка кураши (шу жумладан оғир атлетика) — 2 та таркиб;

спортнинг бошқа турлари — 2 та таркиб;

б) стажёрлар таркиби (захира):

теннис, стол тенниси, бадминтон, спорт якка кураши (шу жумладан оғир атлетика) — 2 та таркиб;

спортнинг бошқа турлари — 1 та таркиб.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 14 июндаги 173-сон қарорига
2-ИЛОВА

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ҳар йилги календарь режаларини тайёрлаш ва шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштирувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида спорт, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ва уларда қатнашишни амалга оширувчи ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

жисмоний тарбия-спорт ташкилоти — ташкилий ва ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, фаолиятнинг асосий тури сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси — спорт турлари бўйича спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ҳамда ўқув-тренировка йиғинлари рўйхатини, уларнинг ўтказилиш муддатларини, жойларини, шунингдек жорий молия йилида уларни ўтказиш учун зарур бўладиган маблағларни белгиловчи ҳужжат;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари регламенти — спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини, мажбурий шартларини ва уларга бўлган талабларни ҳамда уларда қатнашиш тартибини белгиловчи қоидалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳужжат;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари тўғрисидаги низом — спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ва уларда қатнашиш тартиби ва шартларини белгиловчи ҳужжат;

спорт мусобақаси — мусобақа ташкилотчиси томонидан тасдиқланган низом (регламент) бўйича ўтказиладиган мусобақанинг энг яхши қатнашчисини аниқлаш мақсадида спортнинг ҳар хил турлари (спорт турлари) бўйича спортчилар ёки спортчилар жамоалари ўртасидаги мусобақа;

спорт тадбирлари — спорт мусобақалари, ўқув-тренировка йиғинлари, спорт курслари, семинарлари, конференциялари ва спорт мусобақаларига тайёрланиш бўйича спортчилар иштирокидаги бошқа тадбирларни ўз ичига оладиган тадбирлар;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари — аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб ва ташвиқ қилишга йўналтирилган тадбирлар;

спорт тури — спорт мусобақаларини ўтказиш ҳамда уларда қатнашиш талаблари, тартиби ва шартлари белгиланадиган ўз Қоидаларига эга бўлган, кишини спорт мусобақаларига ўзига хос тарзда тайёрлаш билан характерланадиган жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фаолият тури;

ўқув-тренировка йиғинлари — спорт йўналишига, педагогик ва тарбиявий характерга эга бўлган, спортчиларни спорт мусобақаларида ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларида қатнашишга тайёрлаш, шунингдек тадбирлардан кейин ҳолатини тиклаш мақсадида спортчиларнинг спорт маҳоратини оширишга оид уюштирилган тадбирлар;

спорт курслари, семинарлари ва конференциялари — жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари малакасини оширишга йўналтирилган тадбирлар.

II. Календарь режани шакллантиришнинг асосий вазифалари

4. Қўйидагилар календарь режани шакллантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

спорт турлари бўйича терма жамоаларни ва уларнинг захирасини спорт турлари бўйича спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларига тайёрлаш, мазкур тадбирларни ўтказиш ва уларда қатнашишнинг яхлит тизимини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг барча қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида оммавий жисмоний тарбияни ривожлантиришга кўмаклашадиган оммавий жисмоний тарбия тадбирлари тизимини шакллантириш;

спорт, оммавий жисмоний тарбия тадбирларини, ўқув-тренировка йиғинларини тайёрлаш ва ўтказишга йўналтириладиган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

5. Календарь режада назарда тутилган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари, ҳар бир спорт турининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қўйидаги вазифаларни ҳал этишни таъминлаши керак:

аҳолининг барча қатламлари ўртасида оммавий спортни ривожлантириш; спортчилар, ҳакамлар ва тренерлар таркиби малакасини ошириш;

турли худудий, республика халқаро спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиш ҳамда лицензиялар олиш учун спорт турлари бўйича терма жамоаларни ва уларни захирасини аниқ мақсадли тайёрлашни самарали ташкил этиш.

III. Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини шакллантириш ҳамда календарь режага киритиш тартиби

6. Календарь режа спорт федерациялари ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан тақдим этилган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларидан иборат бўлади ҳамда қўйидагиларга бўлинади:

республика календарь режаси — у Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

худудий календарь режа — у тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) маданият ва спорт ишлари бўлимлари томонидан, худудий молия бошқармалари (бўлимлари) билан келишилган ҳолда шакллантирилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар календарь режалари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан келишилади.

Жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг календарь режаси мазкур жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари маъмурияти томонидан шакллантирилади ва тасдиқланади.

Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича республика календарь режаси Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича худудий календарь режаси Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг худудий бўлинмалари томонидан, худудий молия бошқармалари (бўлимлари) билан келишган ҳолда шакллантирилади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича шакллантирилади.

7. Республика календарь режаси қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

а) комплекс спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

б) спорт турлари бўйича республика ва халқаро спорт тадбирлари, улар қуйидагиларга бўлинади:

ёзги Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари;

қишки Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари;

спортнинг миллий турлари;

Олимпиада ўйинлари дастурига киритилмаган спорт турлари;

ногиронлар ўртасидаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

в) оммавий жисмоний тарбия тадбирлари, улар қуйидагиларга бўлинади: жорий йил давлат дастурига бағишланган оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

аҳоли ва болалар ўртасида оммавий спортни ривожлантиришга йўналтирилган оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинлари бўйича оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

вояга етмаганлар ўртасидаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

спорт ветеранлари ўртасидаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари.

8. Худудий календарь режа спорт турлари бўйича худудий ва республика спорт тадбирларини ўз ичига олади, улар республика календарь режасига ўхшаш тартибда бўлинадиган ва қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

ёзги Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари;

қишки Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари;

спортнинг миллий турлари;

Олимпиада ўйинлари дастурига киритилмаган спорт турлари;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

ногиронлар ўртасидаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари.

9. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг календарь режаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

комплекс спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларида оммалашган спорт турлари бўйича спорт тадбирлари;

оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

спортчиларни тайёрлаш ёки спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ва уларда қатнашиш режасидан келиб чиққан ҳолда бошқа бўлимлар.

10. Календарь режада, шунингдек қуйидагилар бўйича қилинган харажатларни қоплашга йўналтирилган маблағлар тўғрисидаги йиғма ахборотлар ҳам назарда тутилади:

комплекс, халқаро, республика ҳамда худудий спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари бўйича;

спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар ва уларнинг захираси спортчилари ва тренерларининг амалдаги нормаларга мувофиқ энергия сарфларини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш бўйича;

Олимпиада ўйинлари, Жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ғолиблари ва совриндорларини, йилнинг энг яхши спортчисини мукофотлаш бўйича;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш бўйича, шунингдек хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича;

спортчилар ва тренерларга тиббий хизмат кўрсатиш ва уларни суғуртлаш бўйича;

спорт анжомлари, ускуналари ва формалари сотиб олиш бўйича;

бошқа тадбирлар бўйича.

11. Календарь режани шакллантириш спорт турларининг хусусиятларидан, уларнинг устуворлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек халқаро спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг календарь режаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

12. Календарь режага қуйидагилар киритилади:

а) халқаро спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари, шунинг-

дек республика худудида ўтказиладиган спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари;

б) Олимпиада, Паролимпиада, Махсус олимпиада, Сурдолимпиада, Осиё, Паросиё ўйинлари, ўсмирлар Олимпиада ўйинлари, универсиадалар, спартакиадалар ва бошқалар.

в) республика спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари

г) ҳудудий спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари;

д) оммавий жисмоний тарбия тадбирлари — фестиваллар, танловлар, кўриклар ва аҳолининг турли қатламларини жалб этиш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирлар;

е) халқаро, республика ва ҳудудий тренерлар ёки ҳакамлар курслари, семинарлари, конференциялари, конгресслари.

13. Календарь режага киритиш учун ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тадбирларнинг номлари, ўтказиш муддатлари ва жойлари кўрсатилган таклифлар (буюртманомалар) олдинги йилнинг 10 октябридан кечикмай қуйидаги тартибда:

а) республика календарь режасига киритиш учун — республика олий спорт маҳорати мактаблари билан келишилган ҳолда (улар мавжуд бўлса) Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига республика спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) томонидан;

б) спортнинг техник ва амалий турлари бўйича республика календарь режасига киритиш учун — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгашига спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) ва (ёки) спортнинг техник ва амалий турлари ривожланаётган жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан;

в) ҳудудий календарь режага киритиш учун — тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаларига, туманлар (шаҳарлар) маданият ва спорт ишлари бўлимларига спорт турлари бўйича ҳудудий спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) томонидан (улар мавжуд бўлса) ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан;

г) спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ҳудудий календарь режага киритиш учун — тегишли равишда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг ҳудудий бўлинмаларига спортнинг техник ва амалий турлари бўйича ҳудудий спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар) томонидан ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан тақдим этилади.

Спорт-жисмоний тарбия тадбирлари календарь режага, шунингдек календарь режани шакллантирадиган ташкилотлар ташаббуси бўйича ҳам киритилади.

14. Календарь режага киритиш учун таклифга (буюртманомага) қуйидагилар илова қилинади:

а) спортнинг тегишли турини ривожлантирувчи халқаро спорт ташкилотининг халқаро спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирини ўтказиш тўғрисидаги қарори (календарь режа нусхаси — республика календарь режаси учун);

б) халқаро (Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилганда), республика ва ҳудудий спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирлари тўғрисидаги низомлар (регламент) лойиҳалари;

в) спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларини, мусобақаларни молиялаштиришнинг режалаштирилаётган манбалари, шу жумладан бюджетдан ташқари манбалари кўрсатилган ҳолдаги молиявий-иқтисодий асослаш.

15. Календарь режага киритиладиган ёш гуруҳлари ўртасидаги чемпионатлар сони янада юқори босқичдаги ана шундай чемпионатлар сонидан ошиши мумкин эмас.

IV. Календарь режада назарда тутилган харажатларни молиялаштириш

16. Республика ва ҳудудий календарь режаларида назарда тутилган спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини молиялаштириш республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига, ушбу мақсадларга ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

17. Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда спорт турлари бўйича терма жамоалар ва улар захирасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўтказиладиган, календарь режага киритилган спорт тадбирларида қатнашишини молиялаштириш қуйидагилар:

спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирини ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа қарорлари ёки маҳаллий ҳокимият органлари қарорлари асосида;

спорт тадбирини ўтказаетган (ёки унда қатнашаётган) ташкилотнинг буйруғи ва спорт тадбирининг харажатлари сметаси асосида календарь режада ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

18. Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказувчи (ёки уларда қатнашувчи) ташкилотларга спорт турлари бўйича терма жамоалар ва улар захирасининг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ва унда қатнашишни таъминлаш учун календарь режада назарда тутилган маблағлар доирасида, спортнинг алоҳида турлари бўйича сарфланмаган маблағлар ҳисобига қўшимча маблағлар йўналтириш ҳуқуқи берилади.

19. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ва унинг ҳудудида ўтказиладиган халқаро спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари харажатлари сметалари қуйидаги ҳужжатлар асосида тузилади:

электрон почта, факс ва бошқа алоқа воситалари орқали ўзбек (рус) тилидаги таржимаси билан олинган ҳамда тегишли мухр билан тасдиқланган, спорт турлари бўйича терма жамоани спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларига расмий таклифноманинг (низом, регламент, қоидалар ва шу кабиларнинг) асл нусхаси (ёки нусхаси);

транспорт воситалари (авиа, темир йўллар, катта автомобиль йўллари, сув йўллари)га жойларни банд (бронь) қилиш ва қатнашчиларни суғурта қилиш бўйича ҳужжатлар;

спорт ёхуд оммавий жисмоний тарбия тадбирларида қатнашиш ёки уларни ўтказиш харажатлари, спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ташкилотчилари томонидан эълон қилинган шартларни ҳисобга олган ҳолдаги харажатлар бўйича бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар.

20. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг харажатлари сметалари қуйидаги ҳужжатлар асосида тузилади:

спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказадиган (ёки уларда қатнашадиган) ташкилотнинг спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи (қарори);

спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирининг низоми (регламенти);

турар жой, озиқ-овқат, транспортда ташиш, спорт иншооти, ускуналари, транспорт воситаларини ижарага олишни, суғурта қилишни ва шу кабиларни таъминлаш юзасидан шартномалар (прейскурантлар, маълумотномалар);

спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирида қатнашиш ёки уни ўтказиш харажатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

21. Спорт турлари бўйича терма жамоалар турли спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларида қатнашиш учун жўнаб кетаётганда хорижий давлат ҳудудида овқатланиш ва яшаш харажатлари Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарларига жўнатишда хизмат сафари харажатларига маблағлар бериш тартибида белгиланган нормалар (рўйхат рақами 932, 2000 йил 5 июнь) бўйича назарда тутилади, агар тадбир ўтказиладиган жойдаги ташкилий қўмитанинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса. Бунда, агар ташкилий қўмитанинг шартларига мувофиқ спорт делегациясининг яшаш ва овқатланиш нормалари тасдиқланган нормалардан юқори бўлса, у ҳолда ташкилий қўмитанинг нормалари қўлланади.

V. Календарь режани шакллантириш ва спорт турлари бўйича молиявий маблағларни тақсимлаш комиссияси

22. Календарь режани шакллантириш ушбу Низом ва махсус ташкил этиладиган Комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади.

23. Комиссия камида 5 кишидан иборат таркибда ташкил этилади, унинг таркибига:

республика календарь режасини шакллантиришда — Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тегишли бошқармаларининг бошлиқлари, спорт турлари бўйича республика спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг, спорт турлари бўйича республика олий маҳорати мактабларининг, шунингдек Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитасининг вакиллари киритилади;

спортнинг техник ва амалий турлари бўйича республика календарь режасини шакллантиришда — Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг вакиллари, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича республика спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг раҳбарлари ёки вакиллари киритилади;

худудий календарь режани шакллантиришда — Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бошқармаларининг, туманлар (шаҳарлар) маданият ва спорт ишлари бўлимларининг, спорт турлари бўйича тегишли худудий спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг (улар мавжуд бўлса) ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг вакиллари киритилади;

спортнинг техник ва амалий турлари бўйича худудий календарь режани шакллантиришда — Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши худудий бўлинмаларининг, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тегишли худудий спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг (улар мавжуд бўлса) ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг вакиллари киритилади;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг календарь режаларини шакллантиришда — мазкур жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари маъмурияти ва тренерларининг ёки тренер-инструкторларининг вакиллари киритилади.

Комиссияга раис бошчилик қилади.

24. Комиссия томонидан спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар)нинг, республика олий спорт маҳорати мактабларининг (улар мавжуд бўлса), жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирини календарь режага киритиш тўғрисидаги таклифлари (буюртманомалари) кўриб чиқилади.

25. Комиссия заруриятга кўра, Комиссия раисининг қарори бўйича чақирилади.

Комиссия мажлисини Комиссия раиси, у бўлмаган тақдирда — Комиссия раисининг қарори бўйича Комиссия аъзоларидан бири бошқаради.

26. Комиссия мажлиси, агар мажлисда Комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса, қонуний кучга эга ҳисобланади.

Комиссиянинг қарори очик овоз берган ҳолда, кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

27. Агар Комиссия аъзоларининг овози тенг бўлиб қолса Комиссия мажлисида раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

28. Комиссия қарори протоколлаштирилиши ва унда Комиссия аъзоларининг визаси бўлиши керак.

29. Зарурат бўлганда Комиссия мажлисларида:

спорт федерациялари (уюшмалари, марказлари ва бошқалар);

жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари;

республика олий спорт маҳорати мактаблари вакилларининг ахборотлари эшитилади.

30. Комиссия ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган бўлимлар, шунингдек кичик бўлимлар ва спорт турлари бўйича молиявий маблағларни тақсимлайди.

Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

спорт турларининг устуворлиги ва истиқболлиги;

спорт турининг йирик халқаро спорт мусобақаларидаги натижадорлиги;

Олимпиада ўйинлари ва Жаҳон чемпионатларига танлаш ёки лицензияли спорт мусобақалари;

спорт турининг кенг тарқалганлиги ва оммавийлиги;

ўтган йилдаги спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказишга ёки уларда қатнашишга маблағлардан амалда фойдаланилганлиги.

Бунда молиявий маблағларни Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган спорт турларига йўналтириш Комиссиянинг биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади.

31. Календарь режага қуйидаги ҳолларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

халқаро спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш муддатлари ва (ёки) жойлари ўзгарганда;

спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш шартлари ўзгарганда;

қўшимча равишда спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбири киритилганда;

қуйидагилар билан боғлиқ бўлган молиявий харажатлар ўзгарганда:

а) қатнашчиларнинг узил-кесил таркиби ёки сонини шакллантириш;

б) спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирини ўтказувчи ташкилотнинг молиявий шартларининг ўзгариши;

в) спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирига назарда тутилган маблағларнинг етишмаслиги.

Календарь режага ўзгартириш ва қўшимчалар календарь режани шакллантирадиган ташкилотнинг буйруғи асосида, уларни киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган, Комиссия тақдимномаси бўйича ва қуйидаги ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича қуйидаги зарур ҳужжатлар илова қилинган буйруғи асосида киритилади:

спортнинг тегишли турини ривожлантираётган халқаро спорт ташкилотининг қўшимча ёки ўзгартириши тўғрисидаги қарор (республика календарь режаси учун);

юкори органларнинг қўшимча ёки ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори;

спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш регламентини, шу жумладан молиялаштириш шартларини ўзгартиришни тасдиқловчи ҳужжатлар;

бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар.

32. Календарь режага ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ташкилотларнинг ташаббуси бўйича, спорт ёки оммавий жисмоний тарбия тадбири ўтказиладиган санадан бир ой олдин киритилади.

33. Календарь режага ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тегишли ўзгартиришларни киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигининг асослаши билан бирга тақдим этилади.

VI. Яқунловчи қоидалар

34. Ушбу Низомнинг талабларига риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

35. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

36. Комиссия календарь режанинг тўғри шакллантирилиши учун жавоб беради.

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь РЕЖАСИ

Т/р	Тадбирнинг номи	Ўтказилиш муддати	Ўтказиладиган жойи	Қатнашувчи ташкилотлар	Халқаро спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари		Республика спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари	Жами, сўмда
					минг сўм	АҚШ долл.	минг сўм	минг сўм
1. Комплекс спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари								
2. Спорт турлари бўйича республика ва халқаро спорт тадбирлари								
2.1. Ёзги Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари								
	Республика спорт мусобақалари							
	Халқаро спорт мусобақалари							
	Ўқув-тренировка йиғинлари							
	Осиё ҳамда Жаҳон чемпионатлари ва кубоклари							
2.2. Қишки Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари								
	Республика спорт мусобақалари							
	Халқаро спорт мусобақалари							

Т/р	Тадбирнинг номи	Ўтказилиш муддати	Ўтказиладиган жойи	Қатнашувчи ташкилотлар	Халқаро спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари		Республика спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари	Жами, сўмда
					минг сўм	АҚШ долл.		
	Ўқув-тренировка йиғинлари							
	Осиё ҳамда Жаҳон чемпионатлари ва кубоклари							
2.3. Миллий спорт турлари								
	Республика спорт мусобақалари							
	Халқаро спорт мусобақалари							
	Ўқув-тренировка йиғинлари							
	Осиё ҳамда Жаҳон чемпионатлари ва кубоклари							
2.4. Олимпиада ўйинлари дастурига киритилмаган спорт турлари								
	Республика спорт мусобақалари							
	Халқаро спорт мусобақалари							
	Ўқув-тренировка йиғинлари							
	Осиё ҳамда Жаҳон чемпионатлари ва кубоклари							

Т/р	Тадбирнинг номи	Ўтказилиш муддати	Ўтказиладиган жойи	Қатнашувчи ташкилотлар	Халқаро спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари		Республика спорт мусобақалари ва ўқув-тренировка йиғинлари	Жами, сўмда
					минг сўм	АҚШ долл.	минг сўм	минг сўм
2.5. Ногиронлар ўртасида спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари								
	Республика спорт мусобақалари							
	Халқаро спорт мусобақалари							
	Ўқув-тренировка йиғинлари							
	Осиё ҳамда Жаҳон чемпионатлари ва кубоклари							
3. Оммавий жисмоний тарбия тадбирлари								
	Республика спорт мусобақалари							
	Халқаро спорт мусобақалари							
	Ўқув-тренировка йиғинлари							
	Осиё ҳамда Жаҳон чемпионатлари ва кубоклари							

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тadbирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

267-модда

20__йил учун _____ бўйича

(спорт турининг номи)

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тadbирлари календарь режасига киритиш учун таклифлар (буюртманомалар)

Т/р	Тadbирнинг номи	Спорт тури, спорт турлари гуруҳи	Ўтказиш мuddатлари	Ўтказиш жойи	Жами қатнашчилар сони	Шу жумладан:			Молиялаштиришга жами эҳтиёж, млн сўм (11 гуруҳ + 13 гуруҳ)	Шу жумладан:			
						спортчилар	тренерлар	бошқалар		бюджет маблағлари (млн сўм)	улардан		АҚШ доллари
											банкларо валюта биржасида конвертациялаш ҳисобига (АҚШ доллари)	спорт федерациялари, ҳомийлар маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобига (млн сўм)	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14